

-develop a procedure for deducting these depreciation costs from the actual costs of the current year in accordance with the cost items of costs directly related to the production of goods, works and services;
- choose the most efficient method of calculating depreciation on intangible assets.

Thus, if we take into account the above proposals in the accounting policy developed by budgetary organizations, we believe that it will create convenience and ensure objectivity in the correct organization of the accounting of intangible assets.

Sources references:

1. Law of the Republic of Uzbekistan "On Accounting" (in the new edition). No. LRU-404. 13.04.2016. <https://lex.uz>.
2. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 3, 1999 No 414 "On improving the procedure for financing of budgetary organizations." <https://lex.uz>.
3. Regulation of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from February 5, 1999 No. 54 "About structure of expenses for production and sale of products (works, services) and the procedure for formation of financial results". <https://lex.uz>.
4. Instruction "On accounting in budget organizations." (Registered in the the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on 22.12.2010 under No. 2169). <https://lex.uz>.
5. Accounting of the republic of Uzbekistan NSB No. 1 Accounting policy and financial statements. <https://lex.uz>.
6. IFRS 8 Accounting Policies, Changes and Errors in Estimated Estimates. <http://finotchet.ru/articles/87/>
7. Budget Accounting Standard of the Republic of Uzbekistan (SBU No. 1) "Accounting policy". <https://lex.uz>.
8. No.3 "Accounting policies, changes and errors in accounting estimates" (IPSAS) <https://www.ifac.org>.
9. National Accounting Standard of the Republic of Uzbekistan (NSB No. 7) "Intangible assets". <https://lex.uz>.
10. IFRS 38 Intangible Assets. <http://finotchet.ru>.
11. Budget accounting standard of the republic of Uzbekistan (SBU No. 9) "Intangible assets". <https://lex.uz/ru>.
12. IPSAS No. 31 (IPSAS) (International Public Sector Financial Reporting Standard). 15.01.2013y. <https://www.ifac.org>.
13. Жўраев Н.Ю. Корхонанинг ҳисоб сиёсати. Мулкдор газетаси. –Т.: 1998. 18-сон
14. Ибрагимов А.К., Очилов И.К., Қўзиев И.Н., Ризаев Н.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. 451 б.
15. Xasanov B.A., Xashimov A.A., Muxametov A.B., Abdvohidov A.A. Buxgalteriya hisobi: darslik. – Т.: 2020. – 934 б.
16. Бакаев А.С., Шнайман Л.З. Учетная политика предприятия –М.: //Ж. «Бухгалтерский учет». 1994. 8 с
17. Селезнова А.Н., Скобелова И.П. Учетная политика-95. Специальная литература. Сп. 1995. 54с (8 с)
18. Ержанов М.С., Ержанова С.М. Учетная политика на Казахстанском предприятии. И.Д. «БИКО» 1997. 54с. (5с)
19. Николаева С.А. Доходы и расходы организации: практика, теория, перспективы.-М.: «Аналитика-Пресс», 2000.



БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Азларова Азиза Ахроровна
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети “Банк иши ва
инвестициялар” кафедраси профессори

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a8

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда рақамли трансформация шароитида банк хизматлари оммабоплигини оширишнинг хусусиятлари, ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари, бу борада мавқжуд муаммолар амалий маълумотлар асосида ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот юзасидан амалий тақлиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, молиявий оммабоплик, банк, депозит, кредит, онлайн микроқарз, рақамли трансформация, миқроз, молиявий саводхонлик.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОСТУПНОСТИ БАНКОВСКИХ УСЛУГ

Азларова Азиза Ахроровна*профессор кафедры "Банковское дело и инвестиции"
Ташкентский государственный экономический университет*

Аннотация. В статье рассмотрены особенности, специфические правовые аспекты повышения доступности банковских услуг в Узбекистане в условиях цифровой трансформации, а также были изучены существующие проблемы на основе практических данных. На основе проведенных исследований разработаны практические предложения и научные рекомендации.

Ключевые слова: банк, финансовая доступность, банковское дело, депозит, кредит, онлайн-микрорайт, цифровая трансформация, клиент, финансовая грамотность.

TOPICAL ISSUES OF INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF BANKING SERVICES

Azlarova Aziza Axrorovna*Professor of the Department of Banking and Investments
Tashkent State University of Economics*

Annotation. The article examines the features, specific legal aspects of increasing the availability of banking services in Uzbekistan in the context of digital transformation, and also examines existing problems based on practical data. Based on the conducted research, practical proposals and scientific recommendations have been developed.

Keywords: bank, financial accessibility, banking, deposit, loan, online microloan, digital transformation, client, financial literacy.

Кириш. Ўзбекистонда сўнгги йилларда банк тизимида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислохатлар хусусан, банк хизматларини кўрсатишда бозор механизмларини жорий этилиши, банк хизматлари турлари кўламини кенгайтириш, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқликни ошириш каби устивор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, республикамизда аҳолини молиявий хизматлар билан кенгроқ қамраб олиш, истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва молиявий саводхонликни ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд.

Шунинг учун, мазкур муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида бир қатор илмий излашлар олиб борилмоқда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк фаолиятининг устувор йуналишлари сифатида молиявий оммабоплик масаласи долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони[5] ва 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори[7]да банк хизматлари оммабоплиги ва молиявий саводхонлик даражасини ошириш, шунингдек банк хизматлари истеъмоличиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қи-

лиш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

2018 йил 17 августда Марказий банк Бошқаруви Молиявий оммабоплик альянсига (Alliance for Financial Inclusion) аъзо бўлиш тўғрисида қарор қабул қилган.[8]

Молиявий оммабоплик альянси (МОА) 2008 йили аъзо мамлакатларга молиявий оммабоплик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тажриба алмашиш учун майдон яратиш орқали банк хизматларининг долзарб масалалари бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этиш ва ўқитиш, истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кичик бизнесни молиялаштиришда кўмак бериш мақсадида ташкил этилган.

МОАга ҳозирги пайтда 104 институт кирган бўлиб, уларнинг 91 таси дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари (марказий банклар, молиявий регуляторлар, ассоциациялар)дир. МОА штаб-квартираси Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида жойлашган [8].

Молиявий оммабоплик альянси Марказий банкка халқаро тажрибани ўрганиш ва банк хизматлари оммабоплигини ва молиявий саводхонлик даражасини ошириш, шунингдек банк хизматлари истеъмоличиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш учун етакчи экспертларни жалб қилишда ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Молиявий оммабоплик тушунчаси 1993 йилда биринчи марта хорижлик тадқиқотчилар географлар Э.Лейшон ва Н.Трифт[10] томонидан ўрганилган, улар молиявий хизматлардан фойдаланишда жисмоний чекловларни аниқлаб, аҳолининг баъзи қатлам ва гуруҳлари банк ва суғурта ташкилотларига мурожаат қилишда дуч келадиган муаммолар бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Банк хизматларининг оммабоплигини тадқиқ қилиш муаммолари россиялик иқтисодчи олимлар Бондар А.П. [11], Имаева Г., Лобанов И., Томилов О.нинг тадқиқотларида ҳам кўриб чиқилган. Улар молиявий оммабоплик тушунчаси молиявий саводхонлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисобалашади ва молиявий тизимни яратишда аҳолининг банк хизматларига бўлган талабларидан келиб чиқиб замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатишни ривожланиш даражаси ва интенсивлигини олдиндан белгилаш зарур деб ҳисоблашади.

Бошқа бир иқтисодчи олимлар, Мочалина О.С., Лобачева Я.А.ларнинг фикрича молиявий оммабоплик тушунчаси, банк хизматларини кўрсатишда субъектлар таркибини, молиявий хизматларнинг асосий тўпламини, уни баҳолаш кўрсаткичлари таркибини аниқлаштириш билан изоҳланади.[12]

"Молиявий оммабоплик - бу жамиятдаги ҳар бир киши учун янги имкониятлар ва узоқ муддатли манфаатлар дунёсини очадиган ақлли сармоядир[13]."

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Нурмуратов "Ўзбекистонда молия хизматларини асосан банклар кўрсатади ва кўп ҳолларда молия соҳаси деганда ҳам банклар тушунилади. Шу боис молия хизматларининг оммабоплиги тўғрисида сўз юритганда, мен ушбу соҳадаги фаолиятни назарда тутаман[8] деб таъкидлайди.

Иқтисодчи олима Ш.Абдуллаева[14]-нинг фикрича, Молиявий оммабоплик тушунчаси одатда аҳоли томонидан молиявий хизматларга бўлган талаб ва молия институтларининг таклифига мос келиш нуқтаи назардан талқин қилинади. Бу одамларнинг муваффақиятли мослашишининг асоси ташқи воқеликнинг шахснинг ички ҳолатига мос келишининг асосий шarti сифатида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжларни мақсадли шакллантиришда ётади, деган муҳим ҳақиқатни эътибордан четда қолдиради.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида

умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақола-лар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, банк хизматлари оммабоплигини оширишни такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакилларининг иқтисодий қарашлари, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳуло-са, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда республикамиз банк тизимида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда ривож этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, банкларда хизмат кўрсатиш маданияти ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилди. Шу боис, банк хизматлари оммабоплигини ошириш мақсадида бир қатор туб ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори[7], 2019 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"[1]ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Қонуни[2]га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонуни да бу йўналишдаги барча масалалар Марказий банкнинг функциялари ҳақидаги моддада ўз аксини топган. Хусусан, унда "кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлар" назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунда молия хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига бағишланган алоҳида боб киритилди.

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида банк тизимига рақамли каналларни банк хизматлари оммабоплигини кенгайтиришнинг самарали йўли сифатида жорий этилди ва бу жараён ҳозирда такомиллаштириб борилмоқда. Ҳозирги босқичда, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали

аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш жадаллашган.

Маълумки, масофавий банк хизматларини ривожлантириш масалаларига ўтишдан аввал, 2020 йилнинг февраль ойидан “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[3] кучга кирганини таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳужжат тўлов тизимларини кузатиб бориш ва мониторингини амалга ошириш, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг

фаолиятини лицензиялаш тартибини, тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва уларнинг муҳофазасини таъминлашга қўйиладиган талабларни, электрон пул бозорини тартибга солиш ва электрон пул эгаларини идентификациялаш тартибини белгилаб берди.

Қонуннинг қабул қилиниши тўловларни узлуксиз амалга ошириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳамда тўлов тизимининг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш имконини беради.



1-расм. Молиявий оммабопликни белгилайдиган омиллар.

Манба: расм муаллиф томонидан ишланди.

Шунингдек, мамлкатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини амалиётга татбиқ этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси”[15]ни (Миллий стратегия) тасдиқлаган. Мазкур ҳужжат Халқаро молия корпорациясининг мамлакатда молиявий саводхонлик ва молиявий оммабоплик даражасини комплекс ҳамда холисона баҳолаш мақсадида аҳоли билан ўтказган сўровномаси натижаларини инobatга олган ҳолда Жаҳон банки экспертлари кўмагида ишлаб чиқилган.

Миллий стратегия доирасида келгуси йилларда қуйидаги ислохотларни амалга ошириш кўзда тутилган (1-расм). Бугунги кунда, республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари сони 35 тани, шундан, капиталида давлат улуши мавжуд банклар – 10 тани, бошқа банклар – 25 тани тани ташкил этади. Мазкур кўрсаткич охириги йилларда яхшиланган (3 та давлат банки – Ипотека банк, Ўзагроэкспортбанк ва Азия Альянс банк), яъни банкларни хусусийлаштириш жараёни

бошланган, давлат бу борадаги ишларни жадаллаштиришни мақсад қилган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотлари таҳлилидан 2023 йилнинг 1 декабрь ҳолатига тижорат банклари филиаллари – 696 тани, банк хизматлари кўрсатиш марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар) – 1796 тани, ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – 3707 тани ташкил этган. Шунини, ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда етти та банк рақамли банк сифатида фаолият юритмоқда, яъни ТBC Bank, Anor bank, Uzum bank, Smart bank, Apex bank, Hayot bank, Yangi bankлардир[20].

Тахлил қилинган даврда тижорат банклари филиаллари сони йилдан йилга камайиб борган бўлса, банк хизматлари кўрсатиш марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар) сони 2020 йилга нисбатан 746 тага кўпайган, ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари беш йил давомида 2805 тага ортган. Тижорат банкларининг мазкур марказлари ташкил қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асос бўлиб ҳисобланади ва бу борадаги ишлар жа-

BANK ISHI

дал олиб борилиши ҳисобига банк филиалларини қисқартириш ҳисобига харажатларни камайтириб, банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар) ҳамда 24/7 шохобчалари фаолияти кенгайтирил-

моқда. Бу ўз навбатида аҳоли ва хўжалик юри-тувчи субъектларга бирмунча қулайликларни яратиши ҳисобига молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга хизмат қилмоқда.



банкларнинг хизмат кўрсатиш нуқталарини кенгайтириш, банк хизматларини етказишнинг муқобил йўлларини жорий этиш ва банк агентлари тармоғини яратиш орқали **базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш;**



бозорга янги финтех компанияларнинг кириб келишига қулай шарт-шароитлар яратиш, масофадан идентификация қилиш тизимини йўлга қўйиш, миллий тўлов тизимини модернизация қилиш орқали **рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш;**



тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштиришга мўлжалланган турли молиявий воситаларни ривожлантириш ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш орқали **кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш;**



молиявий маҳсулот ва хизматлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шикоятлар ва низоларни ҳал қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш орқали **молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш;**



ОАВ орқали аҳолининг молиявий хизматлардан хабардорлигини ошириш, умумтаълим муассасаларида ва ноиқтисодий йўналишдаги таълим муассасаларида “Молиявий саводхонлик” ўқув дастурини жорий этиш, шунингдек, молиявий саводхонликни ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш орқали **аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш**

1-расм. 2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясида белгиланган асосий вазифалар

Манба: расм <https://review.uz/oz/post/utverjdjena-strategiya-povsheniya-finansovoy-dostupnosti-na-20212023-god> сайти маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишланди.

1-жадвал

Кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

	01.01.20	01.01.21	01.01.22	01.01.23	01.12.23
1. Кредит ташкилотлари, жами*	147	160	177	199	205
<i>шу жумладан:</i>					
Тижорат банклари, шундан:	30	32	33	32	35
Давлат улуши мавжуд банклар	13	13	12	12	10
Бошқа банклар	17	19	21	20	25
Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:	117	128	144	167	170
Микромолия ташкилотлари	56	63	70	85	84
Ломбардлар	61	64	73	81	85
Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари		1	1	1	1
2. Тижорат банклари филиаллари, жами	850	861	860	832	696
3. Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар)	1 050	1 222	1 244	1 543	1 796
4. 24/7 шохобчалари	902	1 452	2 287	2 974	3 707

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

BANK ISHI

Шунингдек, микроолия ташкилотлари 2020 йилга нисбатан 2023 йилда 28 тага кўпайиб 84 тага етган, ломбардлар ҳам таҳлил қилинган даврда 24 тага ортиб 2023 йил ҳолатига 85 тани ташкил қилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2024 йил 1 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Yevroosiyo Banki" ак-

циядорлик жамиятига лицензия берилган, бу Ўзбекистонда фаолият юритаётган банклар сони 36 тага етган[16]

Қуйидаги 2-жадвал маълумотларида давлат улуши мавжуд бўлган, 10 та банкларнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот келтирилган.

2-жадвал

Давлат улуши мавжуд банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида 2024 йил 1 январь ҳолатига маълумот млрд. сўм

№	Банк номи	Актив		Кредит		Капитал		Депозит	
		сумма	Улуши фоизда	сумма	Улуши фоизда	сумма	Улуши фоизда	сумма	Улуши фоизда
Жами		652 157	100%	471 406	100%	97 079	100%	241 687	100%
Давлат улуши мавжуд банклар		441 777	68%	333 298	71%	63 239	65%	124 358	51%
1	Ўзмилийбанк	127 503	19,6%	99 423	21,1%	17 849	18,4%	32 920	13,6%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	74 634	11,4%	57 124	12,1%	8 728	9,0%	13 799	5,7%
3	Агробанк	66 700	10,2%	54 483	11,6%	12 297	12,7%	15 389	6,4%
4	Асака банк	58 014	8,9%	39 213	8,3%	6 668	6,9%	15 485	6,4%
5	Халқ банки	36 603	5,6%	24 549	5,2%	5 883	6,1%	17 044	7,1%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	27 063	4,1%	21 801	4,6%	3 180	3,3%	9 419	3,9%
7	Микрокредитбанк	19 062	2,9%	14 437	3,1%	3 934	4,1%	6 361	2,6%
8	Алоқа банк	16 045	2,5%	10 294	2,2%	2 643	2,7%	9 227	3,8%
9	Турон банк	15 939	2,4%	11 894	2,5%	1 897	2,0%	4 662	1,9%
10	Пойтахт банк	215	0,0%	79	0,0%	160	0,2%	53	0,0%

Манба: <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569329/>

2-жадвал маълумотлари таҳлилидан Ўзмилийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Агробанк, Асакабанк ва Халқ банки активлари, кредит, капитал ва депозитлари бўйича етакчиликни эгаллаб турганини кўришимиз мумкин. Бошқа банкларнинг активлари, кредит, капитал ва депозитлари ҳақидаги маълумот 3-жадвалда ифодаланган.

3-жадвал маълумотларига кўра Ипотека банк, Капитал банк, Ҳамкор банк, Ипак йўли банк, Ориент Финанс банк етакчи банклар позициясини эгаллаб турибти. Шу билан бирга, 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўртта банк фаолиятига лицензия берилган бўлиб, бу Апекс банк, Ҳаёт банк, Смарт банк, Янги банк рақамли банклар сифатида ўз фаолиятини бошлаган, ҳамда республикамизда фаолият юритаётган рақамли банклар сони 7 тага етган. (Анор банк, Тибиси банк, Узум банк) [20].

Келтирилган жадваллар таҳлили шуни кўрсатадики, республика банк тизимининг активлари 652,157 трлн. сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилга нисбатан 14 фоизга кўп. Маж-

буриятлар 13 фоизга ошиб, 539 трлн. сўмни, кредитлар қолдиғи 22 фоизга ўсиб, 479,406 трлн. сўмни, омонатлар қолдиғи эса ўтган йилги 51 фоизга нисбатан 6 фоизга ўсиб, қарийб 241, 687 трлн. сўмни ташкил этган.

2023 йилда Ўзбекистонда фаолият олиб борган 35 та банк жами қарийб 12 трлн 373 млрд сўм фойда олган. Бу - 2022 йил якунлари бўйича кўрсаткич (9 трлн 993 млрд сўм)дан қарийб 2,4 баробар кўп. Ўз фаолиятини 2023 йилда бошлаган учта банк - Yangi bank, Арех Bank ва Nayot Bank, шунингдек катта эҳтимол билан AVO bank (собик Ўзагроэкспортбанк) ўтган йилги фаолиятини молиявий зарар билан якунлаган [17].

Соф фойда миқдори бўйича етакчи 10 та банклар номлари 2022 йил якунидагидан деярли ўзгармаган. Фақатгина Алоқабанк етакчи "ўнталик"да Бизнесни ривожлантириш банкининг ўрнини "эгаллаган". Ипотека банкнинг хусусийлашгани ҳисобига бу йил "етакчи ўнталик"нинг 6 таси давлат тасарруфида бўлмаган банклар ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида
2024 йил 1 январь ҳолатига маълумот (млрд. сўм)

№

№	Банк номи	Актив		Кредит		Капитал		Депозит	
		сумма	улуши, фонда	сумма	улуши, фонда	сумма	улуши, фонда	сумма	улуши, фонда
	Жами	652 157	100%	471 406	100%	97 079	100%	241 687	100%
	Бошқа банклар	210 380	32%	138 107	29%	33 840	35%	117 329	49%
1	Ипотека банк	47 638	7,3%	37 264	7,9%	7 579	7,8%	17 773	7,4%
2	Капитал банк	41 866	6,4%	26 586	5,6%	4 226	4,4%	30 102	12,5%
3	Ҳамкор банк	20 980	3,2%	15 854	3,4%	3 758	3,9%	7 971	3,3%
4	Ипак Йўли банк	16 866	2,6%	11 701	2,5%	2 752	2,8%	7 991	3,3%
5	Ориент Финанс банк	13 126	2,0%	8 448	1,8%	2 248	2,3%	8 869	3,7%
6	Инвест Финанс банк	9 571	1,5%	6 431	1,4%	1 180	1,2%	7 406	3,1%
7	Траст банк	9 450	1,4%	4 947	1,0%	2 244	2,3%	6 743	2,8%
8	ҲАКБ банк	8 845	1,4%	2 651	0,6%	1 311	1,4%	6 240	2,6%
9	Азия Альянс банк	8 029	1,2%	3 712	0,8%	845	0,9%	6 080	2,5%
10	Тенге банк	6 640	1,0%	4 208	0,9%	1 272	1,3%	2 225	0,9%
11	Давр банк	6 130	0,9%	5 004	1,1%	1 006	1,0%	2 741	1,1%
12	Тибиси банк	4 513	0,7%	3 730	0,8%	1 208	1,2%	2 682	1,1%
13	Анор банк	4 418	0,7%	3 169	0,7%	582	0,6%	3 720	1,5%
14	Зилят банк	2 941	0,5%	1 595	0,3%	469	0,5%	1 979	0,8%
15	Универсал банк	2 392	0,4%	1 162	0,2%	418	0,4%	1 706	0,7%
16	Октобанк	2 367	0,4%	249	0,1%	479	0,5%	1 648	0,7%
17	Гарант банк	1 681	0,3%	922	0,2%	285	0,3%	997	0,4%
18	Алекс банк	605	0,1%	29	0,0%	278	0,3%	185	0,1%
19	Эрон Солерот банк	514	0,1%	22	0,0%	459	0,5%	43	0,0%
20	Угуз банк	472	0,1%	50	0,0%	265	0,3%	10	0,0%
21	Хайт банк	411	0,1%	30	0,0%	182	0,2%	148	0,1%
22	Мадал инвест банк	336	0,1%	292	0,1%	240	0,2%	50	0,0%
23	Сыарт банк	213	0,0%	0,3	0,0%	203	0,2%	10	0,0%
24	Янги банк	200	0,0%	46	0,0%	197	0,2%	3	0,0%
25	АВО банк	177	0,0%	7	0,0%	153	0,2%	7	0,0%

Манба: <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569329/>

Хусусан, ушбу 10 та банклар – Ўзмилийбанк (1716,5 млрд сўм), Капиталбанк (1629,7 млрд сўм), Ҳамкорбанк (1200,2 млрд сўм) Ўзсаноатқурилишбанк (911,7 млрд сўм), Ипотека-банк (818,9 млрд сўм), Трастбанк (800,3 млрд сўм), Агробанк (750,9 млрд сўм), Ипак Йўли банки (740,1 млрд сўм), Ориент Финанс банк (608,1 млрд сўм) ҳамда Алоқабанк (607,7 млрд сўм)лар ҳисобланади.

Шунингдек, 2023 йил якунида соф фойда даражасини 2022 йилга нисбатан нисбатан кўпроқ кўпайтиришга эришган Халқ банки (31 баробар), Тенге банк (9 баробар), Anor bank (3,4 баробар), Алоқабанк (2,7 баробар), Асака банк (2 баробар) ҳамда КДБ Банк Ўзбекистон (2 баробар)ни, шунингдек, 2022 йилни зарар билан яқунлаган бўлса-да, 2023 йилда ижобий натижага эришган Октобанк (74,7 млрд сўм) ва ТВС Bank (40,2 млрд сўм)ни алоҳида қайд этиш мумкин.

Маълумки, “Ўзбекистон – 2030” страте-

гиясида банк тизимини ривожлантиришга доир устувор мақсад ва вазифалар белгиланган, бу мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Унда банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш, соҳада рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича ҳам қатор вазифа ва мақсадлар белгиланган. Уларга эришиш бугунги кундаги банк тизимини бутунлай янги даражага олиб чиқади

Хусусан, биринчи мақсад сифатида банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробар ошириш режалаштирилган.

Банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ҳамда назорат базаларини такомиллаштириш вазифасини амалга оши-

риш орқали, банк тизими барқарорлиги, банкларнинг пруденциал нормаларга қатъий жавоб беришини таъминлаш орқалигина халқаро даражадаги инвесторларнинг банк тизимизга эътиборини оширади[17]. Бундан ташқари, банкларнинг актив ва капиталга оид нормативларини таъминлаш, аввало, ушбу банкларнинг депозиторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, ҳамда 2025 йилга бориб, банк очиш учун минимал устав капитали 500 миллиард сўм қилиб белгиланди.

Стратегияда камида 3 та тижорат банкида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш вазифаси ҳам белгиланган. Сўнгги йилларда исломий молия FinTech соҳалари билан бир қаторда, халқаро молиявий хизматлар саноатида самарали тармоқлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Ҳозирда ислом молияси тармоғи халқаро даражада йилига 15 дан 25 фоизгача ўсиб бормоқда, бу йўналишдаги институтлар эса жаҳонда 2,7 триллион доллардан ортиқ активларни бошқармоқда.

Савдо-саноат палатасининг БМТ Тараққиёт дастури билан ўтказган тадқиқоти натижаларига кўра, бизнес вакилларининг 38 фоизи ва жисмоний шахсларнинг 56 фоизи анъанавий банклардан диний эътиқодлари сабабли кредит олмайди. Шу тариқа, ислом қоидаларига риоя қиладиган молия ташкилотларига талаб ортган.

Лекин Ўзбекистон аҳолиси учун мазкур соҳанинг жадал ривожланиши ва ислом банкларининг пайдо бўлишига ҳуқуқий-меъёрий асоснинг етишмаслиги, солиқ ва бошқарув инфратузилмасининг йўқлиги, шунингдек, аҳоли орасида исломий молиялаштиришга алоқадор молиявий саводхонликнинг пастлиги муаммолари мавжуд. Мазкур омиллар ва натижаларни ҳисобга олган ҳолда, давлат 2030 йилга қадар Ўзбекистон молия-банк бозорида ислом молиясини жорий қилишни ва ислом банкларига рухсат беришни режалаштирган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, базавий молиявий хизматлар оммабоплиги ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг кредит ва тўлов ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали аҳоли фаро-

вонлиги, молиявий тизим ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга ҳамда мамлакатда яширин иқтисодиёт улушининг қисқаришига хизмат қилади. Шу билан бирга банкларнинг молиявий оммабоплигини ошириш учун қуйидаги таклифларни асосли деб ҳисоблаймиз:

1. Республикаимизнинг барча ҳудудларида банкларнинг хизмат кўрсатиш нуқталарини кенгайтириш орқали базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш, шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг фақат учтасининг бош офислаари вилоятларда жойлашган, яъни Ҳамкорбанк, Универсалбанк ва Мадад Инвестбанк, мазкур жойлашув ҳам қисман молиявий оммабопликни оширишга салбий таъсир қилиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Бироқ, барча банклар томонидан банк хизматларини етказишнинг муқобил йўллари жорий этишни такомиллаштириш зарур;

2. Банк хизматлари бозорига янги финтех компанияларини кириб келишига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобига инновацион онлайн рақамли хизматларни ривожлантириш лозим;

3. Тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий воситаларни кенг қўллаш ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини, ислом молиясини ривожлантириш орқали кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш;

4. Банк ходимлари малакасини ва стрессга чидамлилигини ошириш, банкларда ходимларни бошқаришда KPI мезонлари асосида уларнинг фаолиятини баҳолашни ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

5. Банклар томонидан таклиф қилинаётган банк маҳсулоти ва хизматлари тўғрисидаги етарли ва тўлиқ маълумотларни ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали узатишни кенгайтириш;

6. Мижозлар, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш;

7. Умумтаълим муассасаларида ва ноиқтисодий йўналишдаги таълим муассасаларида “Молиявий саводхонлик” ўқув дастурини жорий этиш, валантёрликка ёшларни талабаларни кенг жалб қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 11.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон. <https://lex.uz/docs/4590452>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонуни. <https://lex.uz/docs/4581969>
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида Қонуни, 01.11.2019 йилдаги ЎРҚ-578-сон <https://lex.uz/docs/4575786>
4. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони
- 5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори, 23.03.2018 й <https://lex.uz/docs/3593541>
8. Молиявий оммабоплик альянси халқаро ташкилотига аъзо бўлиш тўғрисида. <https://cbu.uz/oz/about/international-cooperation/74857/>
8. Молиявий оммабоплик – долзарб мавзу. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Нурмуратовнинг Молиявий оммабоплик альянси сайтида эълон қилинган мақоласи. <https://cbu.uz/oz/press-center/reports/134775/>
9. Молиявий оммабоплик альянси халқаро ташкилотига аъзо бўлиш тўғрисида. <https://cbu.uz/oz/about/international-cooperation/74857/>
10. Andrew Leyshon, Dawn Burton, David Knights Towards an Ecology of Retail Financial Services: Understanding the Persistence of Door-to-Door Credit and Insurance Providers//Environment and Planning A: Economy and Space// April 1, 2004 Research Article <https://doi.org/10.1068/a3677>
11. Финансовая доступность в России: взгляд потребителя [Электронный ресурс] / Национальное агентство финансовых исследований. — Режим доступа: www.cgap.org/sites/default/files/WorkingPaper-Financial-Inclusion-in-Russia-Aug-2014-Rus.pdf (дата обращения 04.02.2016).
12. Мочалина О.С., Лобачева Я.А. Специфика индикаторов финансовой доступности // Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. 2016. № 1 (34). С. 80–85.
13. Глобальный альянс за финансовую доступность. URL: <https://www.afi-global.org/wp-content/uploads/publications/2016-11/FS-AFI%20Value-A5-digital-RUS.pdf>
14. к.э.н., доц. Шахло Абдуллаева Критерии оценки и пути развития финансовой доступности. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/977/1185>
15. 2021-2023 йилларга Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси тасдиқланди. <https://bankers.uz/news/52-2021-2023-yillarga-moliyaviy-xizmatlar-ommabopligini-oshirish-milliy-strategiyasi-tasdiqlandi>
16. <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/ao/yevroosiyo-banki-aktsiyadorlik-zhamiyati/>
17. Ўзбекистон банкларининг 2023 йилги молиявий натижалари - солиштирма инфографика. 2024 й. 19.01. <https://bankers.uz/news/1353>
18. И. Турсунов "Жозибатор ва рақобатбардош банк тизими - унга эришиш учун катта мақсадлар қўзланган" номли мақоласи Янги Ўзбекистон газетаси 2023 йил 27 сентябрдаги 197-сон. <https://bankers.uz/news/1243>
19. Azlarova, A. (2023). Особенности развития банковской системы Республики Узбекистан на современном этапе. Economics and Innovative Technologies, 11(5), 1–7. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss
20. <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/>